# 1994 йил 25 декабрь — сайловлар куни





## ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА — ХАЛҚЧИЛ, АДОЛАТПАРВАР ЖАМИЯТНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШДИР

*Мирзамурод ИКРОМОВ, Тошкент вилояти ҳокими*

ТОШКЕНТ вилоятида бўлажак сайловларга пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Кўппартиявийлик асосида номзодлар кўрсатилди. Ҳокимият вакиллик органлари, Халқ демократик партияси ва «Ватан тараққиёти» партиясининг энг муносиб вакиллари рўйхатга олинди. Депутатликка номзодлар орасида етук иқтисодчилар, малакали ҳуқуқшунослар, замонавий фан ва техниканинг билимдон олимлари, фермерлар, ишбилармонлар, тадбиркорлар ва бошқа соҳа вакиллари борки, уларнинг ҳар бири республикамизнинг ижтимоий, иқтисодий тараққиётига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўша олишларига ишончимиз комил.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидан кўрсатилган номзодлар бугунги кунда ўзларининг мукаммал сайловолди дастурларига эгадирлар. Хусусан вилоят халқ хўжалиги барча соҳаларини ривожлантириш, халқимизнинг моддий ва маънавий фаровонлигини ошириш, ижтимоий масалаларни ҳал қилиш унинг асосий магзини ташкил этади. Бир сўз билан айтганда дастуримиз республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар дастурининг изчил давомидир.

1995 йилда саноатни ривожлантиришга эътибор кучайтирилади. Ангрен резинотехника, Ўзбекистон металлургия ҳамда Оҳангарон шифер заводларида янги ишлаб чиқариш линиялари ишга туширилади.

Шунингдек биз саноатдаги аҳволни чуқур таҳлил этиб, келгусида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, йирик корхоналарнинг қувватини тўла ишга солиш учун ички резервлардан фойдаланиш. Айни пайтда уларнинг хом ашё базасини мустаҳкамлаш учун қўшни давлатлардаги корхоналар билан бевосита алоқани яхшилаш лозим. Бу вилоят иқтисодиётига жуда катта самара келтиради.

Иккинчидан, бозор иқтисодиётига жадаллик билан кириб бораётган эканмиз, саноат корхоналарини маҳаллий хом ашёларга мослаштиришимиз, уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини кескин ошириш, дунё бозорига рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар чиқариш, пировардида экспорт имкониятларидан тўлиқ фойдаланишимиз зарур.

Учинчидан, жаҳондаги энг илғор технологияларни вилоятга кенгроқ жалб этиш, шу тариқа қўшма корхоналар сонини кўпайтириш лозим. Ҳозирги кунда вилоятда 64 та қўшма корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг 32 таси фаолият кўрсатмоқда. Зеро Ўзбекистонимиз келажаги — экспорт имкониятини ривожлантиришдан иборат, деган шиор дастуримиздан мустаҳкам ўрин олган.

Тўртинчидан, ёқилги-энергетика саноатида ислоҳотлар чуқурлаштирилади. Бу соҳада тежамкорликни янада ошириш ва хизмат кўрсатишни яхшилаш муҳим омиллардан биридир.

Бешинчидан, қишлоқ туманларида саноатни, айниқса, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш лозим. Бу масала юзасидан вилоятда махсус дастур ишлаб чиқилди. Бир йилда 12 та туманда саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 115-120 фоизга ошди. Келгусида чет эл инвестицияси, ишбилармон ва тадбиркорлар сармоясини ҳам қишлоққа йўналтириш асосий вазифаларимиздан биридир. Қишлоқ жойларида кичик ҳажмдаги ихчам корхоналар қуриш, қишлоқ аҳолисини кўпроқ хизматнинг бошқа турларига жалб этиш зарур. Айни пайтда бу тажриба кенг қўлланилаяпти ва келгусида вилоятда шу ақидага амал қилинади. Сўнгги бир йилда вилоятнинг қишлоқ туманларида 8 мингдан ортиқ қўшимча иш жойлари яратилди.

Тошкент вилояти аҳолисининг қарийб 70 фоизи қишлоқда истиқомат қилади. Бинобарин қишлоқ хўжалиги вилоят халқ хўжалигининг етакчи тармоғидир. Шу боис бу соҳани ривожлантириш биз учун катта аҳамиятга эга.

Вилоятимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида қатор муаммолар ҳам йиғилиб қолган. Бизнинг келгуси фаолият дастуримизда уларни бартараф этиш чора-тадбирлари қатъий белгиланган. Шу мақсадда вилоят ҳокимлиги томонидан мукаммал дастур ишлаб чиқилган.

Биринчи галда ернинг унумдорлигини ошириш, унга бўлган муносабатни ўзгартириб бориш чоралари кўрилмоқда. Ерни ҳақиқий эгасига бериб, экинлар ҳосилдорлигини кескин оширишга эришилади. Биз бу борада қуйидагиларни назарда тутамиз: фермерларга, деҳқон хўжаликларига етарли миқдорда ер ажратиш, техника таъминотини яхшилаш, пудратчиларга кенг йўл очиш, мулк эгаларига тўла хўжалик эркинлиги бериш, уларга сервис хизмати кўрсатишни такомиллаштириш. Бир йил ичида вилоятда фермер хўжаликлари сони қарийб уч мартага кўпайди. Уларга режадаги 20 минг гектар ўрнига 27 минг 448 гектар ер ажратилди.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалигига илм-фан ютуқларини тезроқ олиб кириш керак. Олим билан деҳқон ҳамкорлигини чуқурлаштириш лозим. Чунки кейинги йилларда Тошкент вилоятида худди шу масалага бўлган эътибор сусайтириб юборилган. Ҳолбуки қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институтларининг аксарияти вилоят ҳудудида жойлашган. Шунингдек илғор давлатлар тажрибасини қўлламай туриб қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мураккаб эканлигини шароитнинг ўзи кўрсатмоқда. Тошкент вилоятида зудлик билан пахтанинг эртапишар, серҳосил навларини танлаш, сабзавот уруғчилигини ривожлантириш, наслдор моллар зотини яратиш муҳим вазифамиз ҳисобланади. Шу мақсадда вилоятда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда таянч марказлари ташкил этилди.

Учинчидан, қишлоқда қайта ишлаш саноатини кенгайтириш асосий дастурларимиздан бири ҳисобланади. Деҳқон тайёр маҳсулотни сотмас экан, иқтисоди ҳеч қачон мустаҳкам бўлмайди.

Тўртинчидан, ғаллачиликни ривожлантириш энг долзарб вазифаларимиздан бири бўлади.

Бешинчидан, халқимизда «Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур» деган нақл бор. Дарҳақиқат, техниканинг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти гоят катта ва беқиёс. Шундай экан, вилоятда техника таъминоти масаласини ҳал қилишимиз лозим.

Ҳар қандай иқтисодий ислоҳот пировардида инсонга хизмат қилиши зарур. Биз саноатни, қишлоқ хўжалигини, умуман халқ хўжалигини ислоҳ қилиш, ишбилармонлик, тадбиркорлик, деҳқон-фермер хўжаликларига кенг йўл очиш орқали халқимизнинг ижтимоий аҳволини ҳам яхшилаб бориш фаолият дастуримиздан мустаҳкам ўрин олган.

Тошкент вилоятида ижтимоий соҳаларни ривожлантиришнинг беш йиллик дастури ишлаб чиқилган. Бу бежиз эмас, албатта. Вилоятимизнинг кўплаб туманларидаги қишлоқлар тўлиқ газлаштирилмаган. Жумладан, Бўка, Пискент, Паркент, Оққўрғон туманлари борйўғи 20-25 фоиз газлаштирилган холос. Биз келгусида қишлоқларни тўлиқ газлаштириш билан бирга тоза ичимлик суви таъминотини ҳам яхшилаш чораларини кўрамиз.

Бундан ташқари соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданият соҳаларида ислоҳотларни чуқурлаштириш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардандир. Юртимизда маънавият ва маърифат доимо устун бўлиб келган. Ўтмишсиз келажак йўқ, деган ақидага амал қилиб, тарихий қадриятларимизни тиклаш мақсадида «Жума — маърифат куни» деб эълон қилинди ва бу борадаги тадбирларимиз давом эттирилади.

Шунингдек, миллатлараро муносабатлар дастуримизда асосий масалалардан бири сифатида ўрин эгаллаган. Зотан, вилоятимизда бугунги кунда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотув яшаб меҳнат қилмоқдалар.

Хуллас, асосий мақсадимиз Тошкент вилоятини иқтисодий, ижтимоий ривожлантириш, обод ва кўркам воҳага айлантиришдир.

**(«Халқ сўзи» — «Народное слово» газеталарининг 30 ноябрь сонидан олинди).**

### Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2 йиллиги олдидан

## Демократик ғоялар мужассам

Республикамизда ва вилоятимизда сайловларни уюшқоқлик билан ўтказишга алоҳида эътибор берилаётир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш жараёни тартибли борганлиги, сайловларга дахлдор қонунлар асосида барча босқичлар изчил амалга оширилаётганлиги бунинг яққол далилидир. Мутлақо демократик тарзда, биринчи бор кўппартиявийлик асосида сайланаётган Олий Мажлиснинг Конституциямизда ўз ифодасини топган ҳуқуқ ва вазифалари ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларимни баён этмоқчиман.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Давлат ҳокимиятининг Олий органидир. Конституциямизнинг 76-моддасига кўра Олий Мажлис ана шу орган сифатида қонун чиқарувчи ҳокимият вазифасини бажариши қайд этилган. Шуни айтиш керакки, Олий Мажлис Конституцияда белгиланган қоидаларга мувофиқ, Республика фуқаролари томонидан умумий тенг ва тўппа-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. 1992 йилги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Олий давлат вакиллик органини сайлашнинг янги тартибини аниқ белгилаб берди.

Республикамиз мустақил давлат бўлиши муносабати билан Олий Мажлисни сайлаш принципларида ва уларнинг фаолиятида муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Хусусан, илгариги Конституцияда 21 ёшга тўлган ҳар бир Ўзбекистон фуқароси республика Олий Советига сайланиш ҳуқуқига эга деб кўрсатилган эди, кейинчалик тажриба Олий Мажлис таркибидан турмуш тажрибасига ҳамда мустақил давлатни бошқариш малакасига эга бўлган вакиллар жой олиши лозимлигини кўрсатди. Шу муносабат билан Конституциямизнинг 77-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайлов кунигача 25 ёшга тўлган республика фуқаролари сайланиши мумкинлиги қайд қилинди. Республика Олий мажлисига депутат сайлаш нормаси ҳам ўзгартирилди. Хусусан, республиканинг Олий Мажлисига ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича сиёсий партияларнинг юқори органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари томонидан 250 нафар депутатликка номзодлар кўрсатилиши таъкидланди. Ҳозирги сайловлар жараёнида ана шу босқич муваффақиятли амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Республикада иш кўрадиган вакиллик органларининг барчасига бошчилик қилувчи юқори орган ҳисобланади. Олий Мажлис кенг ваколатларда давлатга раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳуқуқига эгадир. У Республика Конституциясида белгиланган ҳамма ҳуқуқларни амалга оширишга ҳақлидир.

Конституциянинг 78-моддасида Олий Мажлиснинг ваколатлари батафсил кўрсатилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш, республика қонунларини қабул қилиш ҳамда уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш давлат режаларини, давлат бюджетини белгилаш ҳамда уларнинг ижроси ҳақидаги ҳисоботларни тасдиқлаш, ўзига ҳисоб берадиган органларни тузиш фақат Республика Олий Мажлиси томонидангина амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Олий Мажлиснинг қонун чиқариш соҳасидаги ишини кучайтириш тўғрисидаги қоида жуда муҳим янгилик бўлди. Шу муносабат билан республика Конституциясига Олий Мажлиснинг ишини ташкил этиш юзасидан муҳим ўзгаришлар киритилди. Унга асосан, республика Олий Мажлиси бир йилда камида икки марта ўзининг навбатдаги сессияларига тўпланиши кўзда тутилди.

Шуни айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида шу кунгача фаолият кўрсатиб келаётган Олий Кенгаш томонидан бир қанча қонунлар қабул қилинди. Бу эса республика Конституциясининг жаҳон синовидан муваффақиятли ўтганлиги далолатидир. Ана шу конституция асосида сайланадиган Олий Мажлис ҳам ҳуқуқий давлатни барпо этиш, уни мустаҳкамлаш, демократик принциплардаги қонунлар яратиб, келажаги буюк бўлган Ўзбекистонимизни моддий ва маънавий жиҳатдан мустаҳкамлаш ишига ҳисса қўшиши шубҳасиздир. Халқимиз ана шунинг учун ҳам мазкур сайловларда Олий Мажлисга энг муносиб фарзандларини кўрсатишга интилаётганлиги диққатга сазовордир.

**Х. АБДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист.**

## НОМЗОДЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

ШУ КУНЛАРДА вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси депутатлигига номзодлар билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Демократик руҳда ўтаётган бундай мулоқотлар чоғида номзодлар сайловчиларни ўз дастурлари билан таништирмоқдалар. Ишончли вакиллар эса йиғилганларга номзодликка кўрсатилган шахсларнинг таржимаи ҳоли, иш фаолияти, жамоат топшириқларини бажаришдаги фаоллиги, оилада тутган ўрни ва бошқа фазилатлари ҳақида сўзлаб бераётирлар.

Хусусан, Юқоричирчиқ туманида 164-Янгибозор сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига номзодлар — туман марказий касалхонаси бош шифокори Ҳайдар Бобохонов, «Гулистон» жамоа хўжалиги раиси Абдуғани Деҳқонбоев, «Ватан тараққиёти» партияси раиси Анвар Йўлдошевлар сайловчилар билан учрашдилар.

Туман маданият саройида ўтган бу мулоқот мобайнида номзодларнинг ишончли вакиллари ўз номзодлар ҳақида сайловчиларга батафсил гапириб бердилар.

Учрашув чоғида депутатликка номзодлар йиғилганларни ўз дастурлари билан ҳам таништирдилар. Сайловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Шундай учрашувлар Ангрендаги 151-Бинокор, 152-Кончи сайлов округларида ҳам бўлиб ўтди. Сайловчилар республика Олий мажлиси депутатлигига номзодлар — Ангрен шаҳар ҳокими Тошпўлат Анорбоев, Ангрен тикув фабрикаси директори Мадамин Маматов, Янгиободдаги «Восток» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Георгий Сидаков, Абдулла Авлоний номли малака ошириш институти кафедра мудири Нурмат Соғинов, Ангрен шаҳар худудий медицина бирлашмаси бош шифокори, Абдуғани Қўлдошев билан учрашдилар.Шунингдек, Бекобод тумани меҳнаткашлари 166-Зафар сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси депутатлигига номзодлар — туман ҳокими Маҳамадали Расулов ва туман марказий касалхонаси шифокори Абдураҳмон Собиров билан учрашдилар.

Учрашувга бағишланган йиғилишни 166- Зафар сайлов округи комиссияси раиси Одилжон Абдукабиров очди. Сўнг ишончли вакиллар — пенсионер Қ. Абдувоҳидов ва 19-ўрта мактаб ўқитувчиси А. Эгамқулов номзодларнинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти тўғрисида маълумот бердилар.

Шуни таъкидлаш керакки, депутатликка номзодлар билан учрашувлар ошкоралик, демократик руҳда, номзодларга тенг шароит яратилган ҳолда, сайлов комиссияларининг фаоллигида ўтмоқда. Барча туман ва шаҳарларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутатликка номзодлар билан учрашувлар давом этмоқда.

## «Савоб ишни ҳар кун қилиш керак, Савоб ишни ҳар ким қилиши керак.»

Қибрай туманида республикамиз вилоятларидаги Қизил Ярим ой жамияти қумита раисларининг «Тараққиёт» дастури бўйича республика кенгаши бўлиб ўтди.

Бу галги учинчи босқични Фин Қизил Хоч вакили А. Райола, Г. Реиккеннен ва О. Перненен ўтказди.

Машгулотда 2000 йилгача мўлжалланган стратегик режа бўйича иш фаолияти ўрганилди. Шунингдек, бизнинг олдимизга бутунжаҳон Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой ҳаракати аъзоси сифатида янги масалалар қўйишди.

«Тараққиёт» дастури харажатларини маблағ билан таъминлаган Америка Қизил Хочига, энг тажрибали педагоглар билан таъминлаган Швеция ва Фин Қизил Хочига ташаккур изҳор қиламиз.

Ўзбекистон Республикасининг Қизил Ярим Ой жамиятининг фахрий раиси — Президентимиз И. А Каримовнинг толмас меҳнатсеварлиги туфайли халқимиз давлат суверенитетлигига эга бўлди ва биз Қизил Ярим Ой жамияти ходимларига чет эллик ҳамкасбларимиз билан билим, фикр ва тажриба алмашишни рўёбга чиқарди.

**Ф. ПАТИПОВА**
**Вилоят Қизил Ярим Ой жамияти қўмитасининг раиси.**

*(Қуйида кенгашда қабул қилинган мурожаатнома берилмоқда)*

## Тошкент вилояти Қизил Ярим Ой Жамияти қўмитасининг МУРОЖААТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Мустақил давлатимизнинг барча худудларида 1-10 декабрь кунлари бутун дунёда қабул қилинганидек, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти жамғармасига ҳайр-эҳсон тўплаш ўн кунлиги ўтказилади.

Халқимизда йиқилганни суяш, ночорларга ҳайру-эҳсон қилиш, қийналганларга кўмак бериш азалдан удум бўлиб келган. Қизил Ярим Ой Жамиятининг ҳам асосий қоидаларидан бири инсон қадр-қимматини ҳимоя қилиш, мушкулини осон қилиш, дардига дармон бўлиб, ночор аҳволда қолганларга инсонпарварлик туйғуси билан ёрдам қўлини чўзишдир.

Азиз биродарлар ва опа-сингиллар!

Ҳайр-эҳсон тўплаш ҳаракатимизни қўллаб қувватлашингизни сўраймиз! Мазкур инсонпарварлик ўн кунлигида Сизнинг қўшган ҳиссангиз денгиздан томчи бўлсада, бу ишда Сизлар фаол қатнашасиз деган умид билан мурожаат қилмоқдамиз. Зеро, ёрдамга мухтож фуқароларнинг кўнглини олишдан кўра савоблироқ иш йўқдир!

Вилоятимиз Қизил Ярим Ой Жамиятининг ҳисоб-китоб рақамини эслатиб ўтамиз:

*Тошкент вилояти Қизил Ярим Ой Жамияти х/р 000700853, код 172627315 Саноат-қурилиш банкининг Меҳнат бўлими.*


## «Тошкент ҳақиқати»ГА ЁЗИЛДИНГИЗМИ?

*Барча алоқа бўлимларида «Тошкент ҳақиқати» газетасига чекланмаган миқдорда обуна қабул қилинмоқда.*

*Обуна баҳоси:*

БИР ЙИЛГА — 264 СЎМ
ЯРИМ ЙИЛГА — 132 СЎМ
УЧ ОЙГА — 66 СЎМ

*КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА:*

Энг арзон идоравий нашр — «Тошкент ҳақиқати»дир. Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар учун ҳам обуна баҳоси юқоридаги нархдадир.

Обуна мавсумида фаоллик кўрсатаётган ташкилотчилар, алоқа бўлимлари, обуна қилиш пунктлари ходимлари ҳамда алоҳида фуқаролар эсдалик совғалари билан мукофотланадилар. Совғалар обуна мавсуми ниҳоясига еттач, ғолибларга топширилади.

*«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» нашр кўрсаткичи — 64672.*
*ҚАДРДОН ГАЗЕТАНГИЗГА ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!*


***Ангрен шаҳрида 25-декабрда ўтадиган сайловларга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Хусусан, шаҳардаги 19-сайлов участкасида номзодлар билан ўтаётган учрашувлар ҳақидаги маълумотларни тахлил этиш ишлари фаоллик билан олиб борилмоқда.***

***Суратда: сайлов комиссиялари аъзолари ва агитаторлардан бир гуруҳи ўзаро мулоқот пайтида.***

***Д. АҲМАД олган сурат.***



